

**«Шифер ишлаб чиқариш технологиялари ва корхона сув таъминотининг ёпиқ занжирли тизимини жорий қилган ҳолда ривожланишнинг иқтисодий истиқболлари».**

*Муаллифлар: т.ф.н, доцент: Н.Халилов, магистр: Ж. Турсунов. 401КТ(МКК)  
талабаси Эсанова Н.*

Мазкур мақолада шифер ишлаб чиқариш технологиялари, тайёрланиши, ишлаш принциплари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхонасининг ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимини ишлаб чиқиш технологияси ҳақида маълумот келтирилган. ишлаб чиқариш корхонасида

кўлланиладиган ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимининг афзалликлари, иқтисодий самарадорлигининг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Юртимизда иқтисодий ислохотлар жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

Шунинг билан бир қаторда, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кенгайиб бораётганлиги, рақобатбардош саноат корхоналарининг фаолияти

самарадорлигини оширишга қаратилган кўпгина чора тадбирлар маҳсулот сифатини яхшилаб боради. Бу эса коммуникацион ғояларни янада

такомиллаштиришни талаб этади. Шифер ишлаб чиқарувчи «Ургут Яшил

Олтин» номли мазкур корхона Самарқанд вилоятининг Ургут туманида,

«Самарқанд» қишлоғида жойлашган бўлиб, умумий майдони 3.75 Гани ташкил

этади. Корхона таркиби қуйидаги бўлимлардан ва биноларни ўз ичига олади:

- Биринчи шифер ишлаб чиқарувчи цех.
- Цемент сақланадиган бино.
- Ёрдамчи хом ашёлар сақланадиган омборхонали бинолар.
- Тайёр маҳсулот сақланадиган усти очик омборхона.
- Биринчи қозонхона.
- Механик, таъмирланаётган майдон.
- Биринчи пайвандлашни назорат қилиш бўлими.
- Электростанцияси.
- Хизмат машиналари майдони.
- Маъмурий бино.
- Ёрдамчи бинолар.
- Ошхона.

**ЛОЙИХАЛАНАЁТГАНЛАРИ.**

- Иккинчи шифер ишлаб чиқарувчи цех.
- Цемент сақланадиган иккинчи омборхона.
- Иккинчи қозонхона.
- Иккинчи пайвандлашни назорат қилиш бўлими.

Шифер ишлаб чиқариш жараёнида 240 нафар ишчи ходимлар фаолият олиб боради, 210 нафар ишчилар доимий, ёрдамчи ишчи ходимлар эса 30 нафарини

ташкил этади. Шифер ишлаб чиқаришнинг иш тартиби йилига 343 кунни

ташкил этади. 2 та навбатчилик қисм ҳар 12 соатда алмашиб ишлайди. Ҳар

ой ишлаб чиқариш жараёнинг профилактик ишини янада такомиллаштириш мақсадида 44 соатга узайтирилади. Бугунги кунга келиб шифер ишлаб чиқаришда 2 та техник йўналишлар фаолият олиб боради. Шу йўналишлар асносида шифер ишлаб чиқариш бир сутка давомида 5000 донани ташкил этади.

Бугунги кунга қадар ишлаб чиқариш саноат корхоналарида сувдан кетма кет, такрорий ва оқова сувларни тозалаб қайтадан яна фойдаланиш кенг йўлга

қўйилган. Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимидан фойдаланиш анча самарали бўлганлиги учун кам харажат талаб этади. Ушбу тизимни асосан янги

курулаётган, эндигина ташкил этилган саноат корхоналарида фойдаланиш айна

муддао. Ургут туманидаги «Яшил Олтин» МЧЖ корхонасида ҳам бу тизимдан

фойдаланиш йўлга қўйилди.

Саноат корхоналарида технологик жараён учун сарфланадиган сув миқдори саноат турига, қабул қилинган технологик шароитга, сув таъминоти тизимининг турига, сув сифати ва бошқаларга боғлиқдир. Саноат эҳтиёжлари учун сарфланадиган солиштирма сув миқдори бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш

учун сарфланадиган солиштирма сув меъёри бўйича аниқланади. Бу меъёрлар

технологик ҳисоблар асосида у ёки бу корхона мутахассисларининг ҳисобларига асосланиб белгиланади.

Қабул қилинган меъёрларни саноат корхоналаридаги ишчиларнинг иш вақти давомида ичиш-хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган сув миқдорига қараб ўзгартириш мумкин. Бунда саноат корхоналарининг тури ва ишчиларнинг сони эътиборга олинади. Ёпиқ сув системаларида сув бир неча марта тозаланмасдан ишлатилади ва ушбу сув очиқ сув ҳавзаларига ташланмайди.

Ёпиқ занжирли сув таъминоти янги тоза сув билан фақат системада сув камайганда ёки ишлатилаётган сув ярқисиз ҳолга келганда қўшилади. Ёпиқ занжирли сув таъминоти барча технологик жараёнларда сувнинг самарали ишлатилишни, оқова сув компонентларини максимал рекуператсия қилишни, капитал ва эксплуатацион харажатларни камайтиришни, хизмат қилувчи персоналларнинг нормал санитар- гигиеник шароитларини, атроф-муҳит ифлосланишини истисно қилишни таъминлаши лозим. Тозаланган сув технологик сув сифатига мос келиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ёпиқ занжирли сув таъминоти тизими саноат корхонаси фаолиятини янада яхшилаб, иқтисодий самарадорликнинг янада ошишига олиб келади. Бундан ташқари, ёпиқ занжирли сув таъминоти тизими сувдан бир неча мартаба фойдаланиш натижасида тежамкорликни юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Қосимов Э.К. Қурилиш ашёлари. Маълумотнома. Тошкент.: “Чўлпон” номидаги НМИУ, 2011.
2. Қурилиш меъёрлари қоидалари. Меъёрий қурилиш атамалари. ҚМҚ 1.01.04 – 98. “Ўздавархитектқурилиш”. Тошкент, 1998.
3. Зокиров Ў.Т., Бўриев Е.С “Сув таъминоти ва оқова сув тизимларининг асослари”, Тошкент. Билим. 2004
4. Зокиров У.Т. «Сув таъминоти ва канализация тизимлари». Уқув кулланма